ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЯРМАТОВ БАХРОМ ХАЙДАРОВИЧ

ИНСОН ҚОНИ ТРАНСПОРТ ОҚСИЛИ БОҒЛОВЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ РАДИОКИМЁВИЙ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2020

УДК 546.11.027*3

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Ярматов Бахром Хайдарович 5
Инсон қони транспорт оқсили боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқиш

Ярматов Бахром Хайдарович 24
Разработка радиохимического метода оценки связывающей способности транспортных белков крови человека

Yarmatov Bakhrom Khaydarovich 45
Development of a radiochemical method for assessing the binding ability of human blood transport proteins

Эълон қилинган ишлар рўйхати 50
Список опубликованных работ
List of published works

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ЯРМАТОВ БАХРОМ ХАЙДАРОВИЧ

ИНСОН ҚОНИ ТРАНСПОРТ ОҚСИЛИ БОҒЛОВЧИЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШНИНГ РАДИОКИМЁВИЙ УСУЛИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

01.04.01 – Экспериментал физиканинг асбоблари ва усуллари

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйичафалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № B2019.4.PhD/T1391 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ким Андрей Алексеевич**
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Бозоров Эркин Хожиевич**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Нишонов Шерзоджон Жуманазарович
техника фанлари буйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "**18**" **июн** соат **12-00** даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: info@inp.uz).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**32-** рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2020 йил «**13**» **июн** куни тарқатилди.
(2020 йил "**13**" **июн** даги **32-** рақамли реестр баённомаси)

М. Ю. Ташметов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

С.Б.Игамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридагиилмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда радиокимёвий таҳлил усуллари юқори сезгирлик ва аниқликни талаб қиладиган илмий биологик ва тиббий тадқиқотларни ўтказишда катта аҳамиятга эга. Ушбу усуллар, катта молиявий имкониятларга эга йирик илмий марказлардагина қўлланиладиган “элита” усулларга киради. Нишонланган бирикмалардан фойдаланган ҳолда тиббий тадқиқотлар ўтказиш ушбу тиббий-биологик тадқиқотлар рейтингини ва натижаларининг халқаро миқёсида тан олинишини сезиларли даражада оширади.

Дунёда бир ёки иккита нишонланган препаратлардан фойдаланган ҳолда инсон қонидаги оқсилларнинг боғловчанлик қобилиятини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар ўтказилган, аммо бир нечта нишонланган препаратлар ёрдамида комплекс тадқиқотлар ўтказилмаган. Турли синфдаги бешта фармакологик препаратлардан фойдаланган ҳолда бундай комплекс ёндашув маълумотлар ҳажмини сезиларли даражада оширади ва инсон зардобидаги оқсилларни боғлаш қобилиятларини аниқроқ баҳолашга имкон беради. Умуман олганда, инсон зардобидаги оқсилларнинг боғлаш хусусиятлари улар ташиб борадиган фармакологик препаратларнинг самарадорлигини белгилайди. Ушбу хусусиятларни ўрганиш оғир ва сурункали касалликларда, беморгабериладиган дорининг мақбул миқдорини аниқлаш қийин бўлган холларда айниқса муҳим аҳамиятга эга. Қон оқсилини боғлаб туриш қобилиятини индивидуал баҳолаш турли хил жиддий касалликларга чалинган беморни даволашда хар бир касал учун алоҳида ёндашиш имконини беради. Шу сабабли тритий билан нишонланган фармакологик бирикмалар ёрдамида оқсилларнинг боғлаб туриш қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқиш долзарб вазифадир. Ушбу муаммони ҳал қилиш, нишонланган препаратларнинг қимматбаҳо валюта импортидан воз кечиш ва тадқиқот харажатларини камайтириш имконини беради.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти 40 йилдан кўпроқ вақт давомида турли касалликларни ташхис қилиш ва даволашда қўлланиладиган реактор ва циклотрон радионуклидларини ишлаб чиқариш, нишонланган препаратларни синтез қилиш, уларни тиббий−биологик тадқиқотларда қўллашусулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича экспериментал тадқиқотлар олиб боради. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришининг бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1] дастурида ядро тиббиётида ишлатиладиган радионуклидлар ва радиофармпрепаратлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган. Ушбу диссертация тритий билан фармакологик бирикмаларни нишонлаш усулларини ишлаб чиқиш ва улар асосида инсон қони оқсилларининг боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқишга бағишланган. Инсон қони

[1]2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

оқсилларининг боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқиш зарурати шундан иборатки, дориларнинг дозалари, уларнинг фойдаланиш усуллари ва организмдан чиқиб кетиш вақти айнан оқсилларнинг боғловчилик қобилияти билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда янада ривожлантиришбўйичаҲаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон “Фармацевтика саноатини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон “Фанлар академия фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш сора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацияда олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” ҳамда VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар” устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда бутун дунё бўйлаб албуминнинг боғловчилик қобилиятларини таҳлил қилиш учун кўплаб клиник ва тадқиқот усуллари ишлаб чиқилган. Россиялик (Ю.И. Миллер, Г.Е. Добретцов, Э.Г.Юшко, Б.М.Красовицкий) ва америкалик (A.A. Spector, K.M. John) олимлар флюоресцент зондлардан фойдаланиб оқсилнинг боғловчилик қобилиятини аниқлашган, америкалик, германиялиева белоруссиялик олимларидан иборат қўшма гуруҳ (S.C. Kazmierczak, A. Gurachevsky, G. Matthes, V. Muravsky) бу мақсадда биомаркерлардан фойдаланган (ЭПР ва ЯМР зондлар). Ушбу тадқиқотлар натижалари саратон касаллигини ташхислаш ва назорат қилиш учун ишлатилган. “Билвосита усуллар” деб аталадиган ушбу усуллар физик-кимёвий параметрларнинг ўзгаришини қайд этишга асосланган бўлиб, улар бирор ўзига хос лиганд ёки тест лигандининг албумин билан ўзаро таъсирини акс эттиради. Билвосита усуллар, албуминнинг боғлаш қобилиятидан ташқари, оқсил молекуласи, унинг тузилиши ва боғланиш марказларининг физик-кимёвий ҳолати тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради.

Иккинчи гурух усуллар, − «бевосита усуллар»(диализнинг барча турлари, электрофорез, ултрацентрифуга ва хроматография),эркин ва оқсил билан боғланган лигандлар концентрациясини бевосита аниқлай оладиган усулларни ўз ичига олади. Улар масалан, албумин билан боғланган ва боғланмаган дори шаклини ажратишга имкон беради.

Ўзбекистонлик олимлар (А.А. Ким, Ж.А. Дадаханов, Г.Т. Джураева, Б.В. Шукуров, И.Р. Мавлянов) қон оқсилларнинг боғловчилик қобилиятини

ўрганиш учун тритий билан нишонланган турли хил фармакологик воситалар ва гель-фильтрация усулидан фойдаланган.

Қон оқсилларининг боғлаб туриш қобилиятини ўрганиш бўйича олиб борилган ишларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг қобилиятини тавсифлайдиган барқарор қонуният йўқ ва оқсиллар турли хил препаратлар билан турлича боғловчилик қобилиятини намоён қилади. Шу муносабат билан ҳар бир препаратнинг оқсил билан боғловчилик қобилиятларини ўрганиш учун алоҳида батафсил тадқиқотлар ўтказиш керак. Оқсилнинг бу хоссалари дориларни қўллаш усулини ва дозасини аниқлаганлиги сабабли, ушбу тадқиқотларни ўтказиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтининг ФА-А14-Ф065 «Биологик фаол органик бирикмаларни тритий билан нишонлаш усулларини ва улар асосида тиббий-биологик тадқиқотлар учун радиокимевий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш» (2009-2011) илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади термик активлангантритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид фармакологик препаратлардан фойдаланиб, инсон қон оқсилининг боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

изониазид, этамбутол ва преднизолон фармакологик препаратларни термик активланган тритий билан нишонлаш усулини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган усуллардан фойдаланиб келгуси тадқиқотлар учун етарли миқдордаги дротаверин ва фуросемиднинг тритий билан нишонланган препаратларини олиш;

тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон дротаверин ва фуросемид фармакологик препаратларидан фойдаланиб, инсон қони оқсилининг боғловчилик қобилиятини аниқлашнинг радиокимёвий аналитик усулини ишлаб чиқиш;

in vitro усулида турли касалликларга чалинган беморлар қон оқсилининг боғловчилик қобилиятини тадқиқ қилишда ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш;

инсон қон зардоби оқсилларини боғловчилик қобилятига эпииссиқ нейтронлар оқими билан нурлатишнинг таъсирини ўрганишда ишлаб чиқилган усулдан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тритий радионуклиди, изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин, фуросемид фармакологик препаратлари, инсон қони зардоби олинган.

Тадқиқотнинг предметибўлибқон зардоби оқсилларини боғловчилик қобилияти ва унинг турли касалликлар ва радиация таъсирида характеристикалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Эксприментал ядро физикаси, радиокимё ва аналитик кимё усуллари: термик активланган тритий билан нишонлаш усули,

юпқа қатламли хроматография, гель-фильтрация, УФ-спектрофотометрия, ҳамда ВВР-СМ реакторнинг горизонтал каналида эпииссиқ нейтронлар оқимиданурлантириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изониазид, этамбутол ва преднизолон фармакологик препаратларини термик активланган тритий билан нишонлаш ва юпқа қатламли хроматографияусулида препаратларни тозалаш услублари ишлаб чиқилган;

тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид фармакологик препаратларидан фойдаланиб, инсон қони оқсилининг боғловчилик қобилиятини аниқлаш учун радиокимёвий аналитик усул ишлаб чиқилган;

гипертония, подагра ва юрак касаллиги билан оғриган беморларнинг қон оқсилларини боғловчилик қобилиятини индивидуал баҳолаш шароитлари аниқланган;

“in vitro” усулида қон зардоби оқсилининг боғловчилик қобилиятига эпииссиқ нейтронлар оқими билан нурлатиш таъсир даражаси аниқланган;

биринчи маротаба инсон қон зардоби оқсилининг реакторканалида эпииссиқ нейтронлар оқими билан 0,133 Гр дан 9,436 Гр гача ютилиш дозаси билан нурлатилганда транспорт оқсилининг боғловчилик қобилиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид препаратларининг соғлом инсонлар, гипертония, юрак ишемик касаллиги ва подагра билан оғриган беморларни қон зардоби оқсиллари билан боғловчилик қобилияти тўғрисида аниқ маълумотлар олинган;

биринчи марта эпииссиқ нейтронлар ва бор нейтрон қамраш реакциясидаги заррачалар инсон қон зардоби оқсилларнинг боғловчилик қобилиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмаслиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемиднинг нишонланган фармакологик бирикмаларининг айнийлигини турли мустақил усуллари ёрдамида экспериментал исботлангани ваолинган натижаларни турли тадқиқотчилар натижаларига таққосланганибилан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, турли хил касалликларда ва эпииссиқ нейтрон нурланишига дучор бўлганда, инсон қон зардобидаги оқсилларнинг боғланиш қобилиятидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар билан аниқланади, бу эса беморларга фармакологик препаратларнинг мақбул индивидуал дозаларини аниқлаш ва эпииссиқ нейтрон нурланишининг битта дозасини инсон қон зардобидаги оқсилларнинг транспорт функцияларига таъсирини баҳолаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган радиокимёвий аналитик усул клиник тадқиқотларда турли касалликларга чалинган беморлар қон зардоби оқсилини боғловчилик қобилиятини баҳолаш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инсон қони оқсилининг боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

изониазид, этамбутол ва преднизолон фармакологик препаратларини термик активланган тритий билан нишонлаш ва юпқа қатламли хроматография усулида препаратларни тозалаш услублари, нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид фармакалогик бирикмалар ёрдамида қон зардоби оқсилини боғловчилик қобилиятини аниқлаш учун ишлаб чиқилган радиокимёвий аналитик усуллари ФА-А14-Ф068 “ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ реакторида нейтрон қамраш терапиясини ривожлантириш учун илмий техник баъзани яратиш” (2009-2011) амалий лойиҳа доирасида турли касалликка чалинган қон зардоби оқсилининг боғловчилик қобилиятини аниқлаш учун ўтказилган тажрибаларда фойдаланилган. (ЎзР Фанлар академиясининг 2020 йил 20 февралдаги 2/1255-546-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши гипертония, юрак қон томир ва подагра билан оғриган беморларнинг қон зардобидаги оқсилларни боғловчилик қобилиятини индивидуал баҳолаш шартларини танлаш имконини берган;

in vitro усулидан фойдаланиб, қон зардоби оқсилини боғловчилик қобилятига эпииссиқ нейтронлар оқими билан нурлатишнинг таъсир даражасини аниқлаш натижалари ФА-А14-Ф068 “ЎзР ФА ЯФИ ВВР-СМ реакторида нейтрон қамраш терапиясини ривожлантириш учун илмий техник баъзани яратиш” (2009-2011) амалий лойиҳа доирасида олинган фармакологик препаратлар қон зардоби оқсили билан боғланиш даражасини аниқлаш учун ўзида бор тутган ва борат буфери қўшиб нейтронлар билан нурлатилганда ишлатилган (ЎзР Фанлар академиясининг 2020 йил 20 февралдаги 2/1255-546-сонли хати). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эпииссиқ нейтронлар ва бор нейтрон қамраш реакцияси заррачалари билан нурлантирилганда инсон қон зардоби оқсилининг боғловчилик қобилятига халокатли таъсир кўрсатмаслигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шулардан 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 129 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётда қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Нишонланган бирикмаларнинг фойдаланиш соҳалари ва олиш улуларининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида органик бирикмаларни турли хил радионуклидлар билан нишонлаш усуллари бўйича адабиётлар таҳлил қилинган, шу жумладан термик фаол тритий билан нишонланган бирикмаларни тозалаш усуллари бўйича ва уларни аниқлаш, инсон қони оқсили билан фармакологик препаратларни боғловчилиги бўйича адабиётларни шархлаш, инсон қони оқсили билан изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемидларнинг боғловчилигини баҳолаш усуллари, шунингдек турли хил касалликларга чалинган беморларнинг қон зардоби оқсилларини боғловчилик қобилиятини ўрганиш ва in vitro усулида инсон қони оқсилларини боғловчилик қобилиятига эпииссиқ нейтронлар таъсирини ўрганишга боғлиқ адабиётлар шархи келтирилган.

Диссертациянинг **“Термик фаол тритий ёрдамида нишонланган фармакологик препаратлар олиш”** деб номланган иккинчи бобида изониазид, этамбутол ва преднизолонларни термик фаол тритий билан нишонлаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича тажриба маълумотлари келтирилган. Ядро физикаси институтида ишлаб чиқарилган махсус мосламаларда термик фаол тритий билан нишонлашнинг мақбул режими танланди ва нишонланган препаратларни тозалаш системаси ишлаб чиқилди. Юқорида келтирилган учта препаратнинг ҳар бири учун энг мақбул нишонлаш шароити ва юпқа қатламли хроматография ёрдамида самарали тозалаш тизимлари танланди. Дротаверин ва фуросемид препаратларини тритий билан нишонлаш учун илгари ЎзР ФА Ядро физикаси институтида ишлаб чиқилган термик фаол тритий ёрдамида нишонлаш услубларидан фойдаланилди. Ушбу усуллар оптималлаштирилди ва тритий билан нишонланган дротаверин ва фуросемид ишлаб чиқариш учун ишлатилди. Изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемидни нишонлаш органик эритувчиларда эритмалар тайёрлашни ўз ичига олади. Кейин ҳар бир препаратнинг (50 мг) эритмаси реакция колбасининг силикагел билан қопланган ички қисмига суртилди, хона ҳароратида эритувчи учиб кетгунча қуритилди. Кейин реакция колбаси суюқ азотда музлатилди ва $5x10^{-3}$мм симоб устунивакуум ҳосил қилинди. Нишонлаш циклида системани газсимон тритий билан босими $1x10^{-1}$ мм симоб устинигача тўлдирилди ва тритийни активлаш учун волфрам спирали 20 секунд давомида 1 минутли танаффус

билан қиздирилди. Цикллар орасида реакцион колба муздан туширилди, препаратлар эритувчида эритилди, ҳамда аликвотлар олиниб радиоактивлиги ўлчанди ва қайтадан қуритилди. Нишонлашдан сўнг реакцион колба деворларида қолган препаратлар эритувчи ёрдамида қайта-қайта ювиб олинди. Олинган эритма эритувчи тўлиқ учиб кетгунча қуритилди, сўнгра эритувчида эриган лекин препаратлар билан боғланмаган ва лабил ҳолатдаги тритийдан халос бўлиш учун эритувчида яъна эритилди сўнг қайтадан қуритилди. Толуолли сцинтиллятор (1 литрда толуол 4г PPO ва 0,05 г POPOP)РЖС-05 ҳисоблагичида нишонлаш вақтида олинган аликвотни радиоактивлиги ўлчанди.

Цикллар сонининг оширилиши билан препаратларнинг умумий активлиги ошиши кўрсатилди. Шунингдек, изониазид препарати 5 маротаба нишонлангандан сўнг рангини ўзгариши кузатилди, бу холат изониазид препарати деструкцияга учираётганлигидан далолат беради.

Тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол ва преднизолон препаратларини тозалаш учун ЮҚХ усули ёрдамида тозалаш услублари ишлаб чиқилди. Дротаверин ва фуросемид препаратларини тозалаш учун ЮҚХ усули ёрдамида ЎзР ФА Ядро физикаси институтида олдин ишлаб чиқилган, услублардан фойдаланилди. Нишонланган препаратлар қўшимча махсулотлардан ЮҚХ усули билан Silufol пластинкасида (Чехия) тозаланди. 1-расмда ЮҚХ усулида нишонланган препаратлар хроматограммалари келтирилган.



1-расм. Нишонланган препаратларнинг ЮҚХ усулида тозалаш хроматограммалари

Препаратларнинг доғи бор қисми пластинкадан силикагели билан қириб олинди ва эритувчи ёрдамида силикагелдан ювиб олинди. Ювиб олинган эритувчи қуритилиб сўнгра тортилади. Толуолли сцинтиллятор (1

литрда толуол 4г PPO ва 0,05 г POPOP)РЖС-05 ҳисоблагичида препаратлар радиоактивлиги ўлчанди. Маълумотлар 1- жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Нишонланган препаратлар ЮҚХ усулида ажратилгандан кейинги фракцияларининг радиоактивлик даражаси

Препаратлар номи	Фракциямассаси, мг	Нишонланган препаратнинг уними в %	Солиштирма активлик МБк/ мг	Солиштирма молляр активлик МБк/ммоль
Изониазид	20,7 мг	41,4%	3,41	468,5
Этамбутол	11,8 мг	23,6%	5,85	1 621,85
Преднизолон	20,1 мг	40,2 %	0,83	299,13
Дротаверин	18,3 мг	36,7%	18,9	8 155,3
Фуросемид	18,0 мг	36,0%	0,25	82,6

Нишонланган ва нишонланмаган фармакологик препаратлар учта бир бирига боғлиқ бўлмаган усуллар ёрдамида уч хил кўрсаткич бўйича аниқланди: 1) юпқа қатламли хроматографияда Rf қиймати, 2) нишонланган ва нишонланмаган моддаларнинг УБ спектрлари, 3) нишонланган ва нишонланмаган бирикмаларнинг қон зардоби оқсиллари билан боғланишидаги рақобатдошлиги.

Нишонланган препаратларни спектрофотометрия усулининг ультрабинафша сохасида таҳлил қилинди. Нишонланган ва нишонланмаган фармацевтик препаратларни эритувчиларда эритилди ва таққослаш эритмаси сифатида эритувчидан фойдаланиб, қалинлиги 1 сантиметрли кюветада 220-350 нм тўлқин узунлиги сохасида SPECORD 210 (фирма SPECORD, Германия) спектрофотометрда УБ спектрлари ўлчанди. Этамбутолнинг УБ спектрини аниқлаш учун этамбутолнинг мис ацетат билан реакцияси ишлатилди. Олинган 5та УБ-спектрлари маълумотнома ва адабиётларга мос келди. УБ-спектрлари 2-расмда келтирилган.





2-расм. Изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид препаратларини УБ-спектрлари: (а) –нишонланмаган, (б) – тритий билан нишонланган

Диссертациянинг «**Инсон қон зардоби оқсили тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон дротаверин ва фуросемид препаратлари ёрдамида боғловчанлигини аниқлашнинг радиокимёвий аналитик усули ишлаб чиқиш**» деб номланган учинчи бобида ушбу усулни ривожлантириш бўйича экспериментал тадқиқотлар келтирилган.

Тошкент тиббиёт академиясининг (ТТА) клиник фармакология кафедрасида қон намуналари, қон зардобини тайёрлаш,оқсиллар ва албуминларнинг умумий миқдорини аниқлаш ишлари олиб борилди. Тадқиқот учун қон намуналари 20 дан 39 ёшгача бўлган соғлом одамлардан олинди. Қонни оч қоринга венадан стерилланган шприц билан олиб, пробиркага қуйилди. Қон ивишидан сўнг намуналар 20 минут давомида 6000 об/минут центрифуга қилинди ва қон зардоби ажратилди. Зардоб намуналарида оқсил ва албумин таркибини стандарт лаборатория биокимёвий усулида аниқланди. Қон зардобидаги намуналар -20°С да музлатгичда музлатилди ва тадқиқот ўтказилгунга қадар шу шароитда сақланди. Тажрибадан олдин зардоб намуналари эритилди ва тадқиқот учун аликвот олинди. Беморларнинг қон зардоби намуналарида оқсил ва албуминни умумий миқдорини аниқлаш ТошТАда стандарт клиник лаборатория усулида ўтказилди.

Диссертация ишиниг мақсади кенг қамровли, қуйи молекуляр кимёвий бирикмаларнинг ҳар хил синфлари: 5та нишонланган фармакологик препаратлар изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемидлар ёрдамида инсон қони транспорт оқсилининг боғловчилик қобилиятини баҳолашнинг радиокимёвий усулини ишлаб чиқиш эди.

Ишлаб чиқилган усулнинг схемаси қуйидагича эди:

1. Бемордан қон намунаси олинади.
2. Қондан зардоби ажратиб олинади.
3. Тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон дротаверин ва фуросемид препаратлар қон зардоби билан инкубацияда қолдирилади.

4. Қон зардоби оқсили билан боғланмаган тритий ёрдамида нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон дротаверин ва фуросемид препаратлари ажратилади.
5. Қон оқсили билан боғланган тритийнинг радиоактивлиги ўлчанади.

Ишлаб чиқилган усул учун қон зардоби намунасининг минимал мумкин бўлган ҳажми танланди – 20мкл. Ўлчаш учун тритий билан нишонланган дориларнинг мақбул миқдори танланди – ҳар бир намунага 1мкг. Қон зардобидаги оқсилларни тритий билан нишонланган препаратлардан ажратиш учун Sefadex G-25 микро колонкаларда иш ҳажми 300мкл, 10мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4 билан мувозанатланган микрокалонкаларда фильтрланган. Ўлчаш учун намунадаги реакция аралашмасининг қуйидаги оптимал ҳажми танланди:

20мкл зардоб +10мкл (1 мкл) тритий билан нишонланган препарат + 270 мкл 10мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4

Биологик намуналарда тритийнинг радиоактивлигини ўлчаш сцинтилацияни суниш эффекти туфайли жуда қийинлашади. Қон зардобида тритийнинг радиоактивлигини ўлчашда, сцинтилация суниш эффектининг таъсири ўрганилди. Тритийнинг радиоактивлигини ўлчаш учун толуол сцинтилятор (4г пара-терфенил ва 0,05 г POPOP 1л толуолда) ишлатилди. Маълумки, сув ва қуйи молекуляр органик моддалар кучли сцинтиляцион сўндириш хусусиятига эга. Бизнинг тажрибамизда сувли эритма ишлатилганлиги ва зардоб намуналарида кўп миқдордаги қуйи молекуляр органик бирикмалар мавжудлиги сабабли, сцинтилацион суниш эффектини аниқлаш керак эди. Зардобнинг индивидуал намуналарини ўлчашда тритийни хисоблаш самарадорлиги жуда катта фарқ қилиши аниқланди. Шубҳасиз, бу бир нечта оқсил намуналарида биттадан ёки бир нечта сцинтиляция нурини сўндирувчи омилларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Усулимизни ишлаб чиқиш учун қон зардобини намуналарини Sephadex G-25 колонкасида гел-фильтрация усули ёрдамида фильтрлаш орқали ажратиш пайтида алоҳида намуналарида синтилляцион сўниш таъсирининг қанча ўзгаришини текшириш зарур эди.

Кўнгиллилардан 6тасининг қон оқсили намуналари таҳлил қилинди. Нишонланган препаратлар учун 6та ҳар хил қон зардобидан 2тадан намуна тайёрланди:

1) назорат: 20 мкл зардоб + 10 мкл (1 мкг) нишонланган изониазид + 270 мкл 10 мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4;

2) гель-фильтрация: 20 мкл зардоб + 10 мкл (1 мкг) нишонланган изониазид + 270 мкл 10 мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4.

Намуналарга нишонланган препаратларни қўшгандан сўнг, намуналар хона ҳароратида 30 дақиқа давомида инкубация қилинди. Шундан сўнг, 6та қон зардобидан, биттадан намуна олиниб, Sephadex G-25 микро колонкаларига қуйилди ва 300 мкл буфер ёрдамида фракциялар ювиб олинди. Гель-фильтрациядан 3тадан фракция олинди: биринчи фракция оқсил билан боғланган препаратлар, иккинчи фракция қуйи молекуляр оқсил, а учунчи фракциялар эса қуйи молекуляр боғланмаган препаратлар. РЖС-

05ҳисоблагич толуол сцинтилляторида хар бир фракцияларни ва назорат намуналар активлиги ўлчанди. Нишонлаб олинган препаратлар миқдори 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид препаратларини Sephadex G-25 ли микроколонкаларда гель-фильтрациядан кейинги ўлчаш аниқлиги

Препаратлар	Ўртача % аниқлиги	P=0,05 %RSD
Изониазид	99,90 ± 0,91	0,91
Этамбутол	99,69±1,19	1,19
Преднизолон	99,53±0,92	0,92
Дротаверин	99,84±1,51	1,51
Фуросемид	99,33±0,64	0,64

Олинган маълумотлар одам зардобининг турли хил намуналарда сцинтиллятор ҳисоблашнинг “сўниш” таъсири борлигини кўрсатади. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, оқсилларнинг бир қисмини зардобдан ажратишда сўниш таъсири барча фракцияларда ўзгаришсиз қолади. Ушбу натижаларга асосланиб, шуни айтиш мумкинки, ички стандартдан фойдаланиш (фракциясиз қўшимча назорат намунасини ишлатиш) зардоб оқсиллари билан боғланган нишонланган препаратларни миқдорини аниқлашга имкон беради.

Кейинчалик, боғланган нишонланган препаратлар учун қуйидаги ҳисоблаш схемаси ишлатилган – назорат намунасида сцинтиляцион сони 100% деб қабул қилинган ва препарат таркибини назорат намунасининг фоизига қараб ҳисоблаб чиқилган.

Тритий билан нишонланган препаратлар қон зардоби оқсили билан боғланишидаги рақобатдошлигини аниқлаш

Қон зардоби оқсилларининг боғловчилик қобилиятини аниқлаш учун тритий билан нишонланган препаратлар ва турли концентрацияларда нишонланмаган дастлабки препаратларини рақобатдош боғланиши ўрганилди. Бундай синов, нишонланган ва нишонланмаган яъни дастлабки препаратларни бир хил эканлигига қўшимча далил ҳисобланади.

Бундан ташқари, бундай тажриба натижалари дори концентрациясининг ўлчанадиган диапазонида ушбу усулнинг чизиқли эканлигини тасдиқлайди.

Олти нафар соғлом кўнгиллиларнинг қон зардоби намуналари таҳлил қилинди. Ҳар бир нишонланган препарат учун 6та ҳар хил зардобдан 4тагача намуна тайрланди. Нишонланган препаратларни қўшгандан сўнг, намуналар хона хароратида 30 дақиқа давомида инкубация қилинди. Шундан сўнг, намуналар Sephadex G-25 микрокалонкаларига солинди ва 300 мкл биринчи фракциялар зардоб оқсили билан боғланган препаратлар радиоактивлиги ўлчанди. Олинган натижаларга асосланиб, бешта дори учун боғловчилик

рақобатдошлиги бўйича график чизилди. Биринчи намунадаги маълумотлар 100% деб қабул қилинди, № 2 ва 3 намуналар маълумотлари мос равишда қайта ҳисоблаб чиқилган ва 3- расмда рақобатдош боғланиш графиги келтирилган.



3-расм. Тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемидни рақобатбардош боғланишини жадвали

Шундай қилиб, олинган натижалар шуни кўрсатадики, дастлабки нишонланмаган препаратлар ёрдамида нишонланган препаратларни миқдори камайтриб борилганда барча бешта нишонланган препаратларнинг боғланишга рақобатдошлиги нишонланмаган препаратларнинг концентрациясига мос равишда тўғри чизиқли график ҳосил бўлди. Олинган маълумотлар, шунингдек нишонланган ва нишонланмаган дастлабки препаратларни айнан шу эканлигини тасдиқловчи қўшимча далилдир.

Беморнинг 6та бир хил қон зардоби оқсили намуналарни тритий билан нишонланган препаратларнинг боғловчилиги натижаларининг такрорланувчанлиги аниқланди(0,7 дан 9,2%гача).

Диссертациянинг **“Тиббий биологик тадқиқотларда ишлаб чиқилган радиокимёвий аналитик усулдан фойдаланиш”** деб номланган тўртинчи бобида диссертацияда ишлаб чиқилган усулни қўллаш асосида тиббий биологик тадқиқотларнинг экспериментал маълумотлари келтирилган.

Турли касалликларга чалинган инсон қони зардоби оқсилининг боғловчилик қобилиятини in vitro усулида ўрганиш.

Ишлаб чиқилган комплекс радиокимёвий аналитик усул Тошкент Тиббиёт академияси билан биргаликда олиб борилган изланишларда қўлланилди. Ушбу тадқиқотнинг мақсади подагра, гипертония ва юрак томирлари билан оғриган беморларнинг қон зардобидаги боғловчилик қобилиятини баҳолаш эди. Қон намуналари, қон зардобини тайёрлаш ва оқсиллар ва албуминларнинг умумий миқдорини аниқлаш ишлари Тошкент Тиббиёт академиясида (ТТА) клиник фармакалогия кафедрасида олиб борилди. Тадқиқот учун 45 та бемор 5 гуруҳга киритилди. Биринчи гуруҳга гипертония ташхиси қўйилган 41 дан 61 ёшгача бўлган 10 бемор, иккинчи гуруҳга юрак қон томири касаллиги ташхиси қўйилган 35 дан 61 ёшгача бўлган 10 та бемор, учунчи гуруҳга подагра ташхиси қўйилган 40 дан 65 ёшгача бўлган 7 бемор киритилган, тўртинчи гуруҳда эса кўрикда ётган 14 дан 65 ёшгача бўлган 8та соғлом инсонлар ва бешинчи гуруҳда 10 та ҳар хил касаллик билан оғриган беморлар қон оқсиллари олинган. Зардоб намуналари -20^{0}С ҳароратда музлатгичда музлатилган ва тажрибаларга қадар шу шароитда сақланган. Синовдан олдин дарҳол қон зардоблари эритилди ва тадқиқот учун аликвоталар олинди.

Инсон қон зардоби оқсилининг боғловчилик қобилиятини таҳлил қилиш учун биз қуйидаги схемадан фойдаландик. Ҳар бир препарат учун 2 та такрорий, 270 мкл буфер эритма (10 мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4) ва 20 мкл қон зардобидан иборат инкубацион аралашмаси тайёрланди. Ҳар бир эритмага алоҳида 10мкл эритмадаги нишонланган препаратлар 1 мкг қўшилди. Барча препаратлардан 2 та параллел намуна тайёрланди, улардан бири нишонланган препарат киритиш билан ички стандарт билан дастлабки намунаси сифатида ишлатилди, иккинчи намуна эса оқсил билан препаратларнинг боғланишини ўлчаш учун ишлатилди. Намуналар таёрлангандан сўнг, бешта пробиркалар намуналар билан 30 минут инкубацияда қолдирилди, кейин бир марталик ажратиш микрокалонкасида мувозанатланган буфер эритмаси билан (10 мМ Трис-HCl, 0,14 М NaCl, pH 7,4) гел-филтрация ёрдамида оқсиллар ажратилди, Sephadex G25 100мг ишлатилди. Битта препаратнинг реакцион аралашмасининг бутун ҳажми колонкага қуйилди, буфер эритмаси билан ювилиб, бошланғич 300 мкл қисми йиғилиб ва радиоактивлиги ўлчанди.

Қон зардоби оқсили билан боғланган нишонланган препаратларни радиоактивлиги ўлчанди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, препаратларни оқсиллар билан боғланган миқдори деярли барча гуруҳ тадқиқотларида жуда катта фарқ қилади. Шу билан бирга, ўртача кўрсаткичлар деярли барча гурухлардаги беморларда ўртача зардобдаги албумин концентрацияси билан мос келмади(4- расм).



4-расм. Бешта гурухдаги беморлар қон зардоби оқсилларининг нишонланган препаратлар билан боғланишнинг ўртача қиймати

Тадқиқотнинг натижасида гипертония, подагра ва юрак қон томир касаллиги билан оғриган беморларнинг қон зардобидаги оқсиллар тритий билан нишонланган изониазид, этамбутол, преднизолон, дротаверин ва фуросемид препаратларини боғланишиниг аниқ миқдорий хусусиятлари аниқланди. Беморларнинг ушбу гуруҳларида оқсилларнинг боғланиш даражаси бошқа гуруҳларга қараганда анча кўп эканлиги аниқланди, аммо бу маълумотлар статистик аҳамиятга эга эмас. Шу билан бирга, дори воситаларининг боғланиш даражаси зардобнинг оқсилига боғлиқ эмас эди. Эҳтимол, боғланиш даражаси индивидуал физиологик ҳолатига ва даволаниш вақтида беморларнинг олган фармакологик миқдорига боғлиқ.

Шундай қилиб, ишлаб чиқилган усул гипертония, подагра ва юрак қон томир касалиги билан оғриган беморларнинг қон оқсиллари транспорт тизимининг индивидуал имкониятларини аниқ баҳолашга имкон беради. Ўз навбатида, бу заифлашган беморларнинг танасида ортиқча фармакологик юкни олдини олиш учун ушбу касалликларни даволашда ишлатиладиган дориларнинг дозаларини аниқроқ мослаштиришга имкон беради.

In vitro усули ёрдамида инсон қон зардоби оқсилининг боғловчилик қобилиятига эпииссиқ-нейтронлар таъсирини ўрганиш.

Ривожланган радиокимёвий аналитик усул in vitro қон зардобига эпииссиқ нейтрон нурларининг таъсирини ўрганиш учун ЎзР ФА ЯФИ ядро муаммолари лабораториясида қўлланилган. Ушбу изланишнинг мақсади, қон зардобидаги оқсилларга эпииссиқ нейтрон нурланишининг фармакологик воситаларсиз ва намуналарда 50 мМ барат буфери мавжудлигида, шунингдек намуналарда ўзида бор тутган препарат борлигида ({5,10,15,20-тетракис [n-(1’-карба-клозо-додекаборан-1’-ил) тетрафторфенил] 17,18-дигидропорфирин)} натрий) бўлгандаги таъсирига баҳо беришдир.

Тадқиқот учун 20 дан 39 ёшгача бўлган соғлом одамлардан қон намуналари олинди.

Ҳар бир зардоб намунасидан 250 мкл иккита аликвот олинди, битта аликвот оқсилларнинг боғловчилик қобилиятини аниқлаш учун ишлатилди ва иккинчи аликвот нейтрон нурлари билан нурлатилди, шундан сўнг оқсилларнинг боғлаб туриш қобилияти ўлчанди.

ВВР-СМ реакторида 1 соат давомида эпииссиқ нейтрон нурлари билан нурлатилди, йиғилган доза 0,133 Гр эди. Қон зардоби оқсили билан нишонланган препартларнинг боғловчилик қобилиятига эпииссиқ нейтронлар таъсир графиги 5-расмда келтирилган.



5-расм. Қон зардоби оқсили билан нишонланган препаратларни боғловчанлигига ВВР-СМ реакторида эпииссиқ нейтронлар билан нурлатишдан олдинги ва кейинги таъсири

Таъкидлаш жоизки, албуминни миқдори кам бўлган 1 ва 2-намуналарда, қон зардобидаги оқсилларнинг эпииссиқ нейтронлар билан нурланишидан сўнг боғловчилик қобилиятида кўп ўзгаришлар рўй берди, шу вақтда албумин миқдори кўп бўлганда эса нишонланган препаратлар билан боғлашда камроқ ўзгаришлар кузатилди.

Олинган натижалар асосида қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

1) инсон қон зардоби оқсилини ВВР-СМ реакторида нейтронлар билан нурлатилганда ютилиш 0,133 Гр дозаси бўлганда, инсон қони транспорт оқсилини нишонланган препаратлар билан боғловчилик қобилияти ўзгаради.

2) инсон қони транспорт оқсилининг боғловчилик қобилияти эпииссиқ нейтронлар таъсирида индивидуал намуналарда ўзгариб туради. Натижалардаги фарқларга қарамай ишонч билан шуни айтиш мумкинки, эпииссиқ нейтронларнинг нурлари умуман одам қон зардобидаги транспорт оқсилларининг боғловчилик қобилиятига ҳалокатли таъсир кўрсатмайди.

